

ХАБАРЛАР

Оқ уй: АҚШ президенти Канадага 50 фоизлик бож ҳақидаги фармонни имзолади

дақиқа аввал



АҚШ президенти Канададан олиб кириладиган турли хил маҳсулотларга — вино ва хоккей таёқчаларидан тортиб цемент, қурилиш материаллари ва электр ускуналаригача — 50 фоизлик бож жорий этиш ҳақидаги учта фармонни имзолади, дейилади Оқ уй баёнотида:

"Шу тариқа президент Трамп Канаданинг Америка савдосига нисбатан камситувчи муносабати туфайли АҚШ савдоси зиммасига тушган юк ва салбий оқибатларни қопламоқда ҳамда автомобиллар, алкоғолли ичимликлар ва сут маҳсулотлари каби муҳим Америка экспорт товарлари учун рақобат шароитини тенглаштирмоқда".

Божлар 30 кундан кейин - 19 август куни кучга киради ва тахминан 20 миллиард долларлик импортга таъсир қилади.

Оқ уй маълум қилишича, Канада АҚШдан импорт қилинадиган автомобилларга божлар ва квоталар жорий қилган, аммо бошқа мамлакатлар автомобилларига нисбатан бундай чекловлар қўлланмайди.

Оқ уйнинг таъкидлашича, Канаданинг икки ҳудудидан ташқари деярли барча провинция ва ҳудудлари Америка алкоғолли ичимликларини сотиб олиш ва сотишни тўхтатган.

Трамп маъмурияти баёнотига кўра, Канадада Америка пишлоғи учун белгиланган квоталар Европа пишлоғига нисбатан қаттиқроқ.

Ҳолбуки, Канада ҳам АҚШ, ҳам Европа Иттифоқи билан савдо битимларига эга.